

ЖССТ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 апрель куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Адханом Гебрейесусни қабул қилди.



Ушбу нуфузли ташкилот билан миллий соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда ЖССТ билан ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани таъкидланди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги кенг қўламли ва тизимли ислохотлар ташкилотнинг эксперт-маслаҳат қўмаги ҳамда унинг халқаро стандартлари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ҳамкорлик доирасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор стратегик ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Малакали тиббиёт ходимлари тайёрланмоқда, бирламчи тиббий-санитар ёрдам, диагностика ва касалликлар профилактикаси тизимлари такомиллаштирилмоқда, давлат тиббий сўғуртаси механизмлари жорий этилмоқда.

ЖССТ бош директори мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолаб, аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, умр кўриш давомийлигини узайтириш, оналар ўлимининг камайтириш ва рақамли тиббиётни ривожлантириш борасида эришилган самолқни натижаларни алоҳида эътироф этди.

Учрашув якунида фармацевтика соҳасини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасида рақамли ечимлар ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш каби устувор соҳаларда амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда қўшма тадбир ва тадқиқотлар ўтказиш юзасидан келишувларга эришилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан Остона шаҳрига келди.

Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Ўзбекистон етакчиси 22 апрель куни

Минтақавий экологик саммит ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йиғилишида иштирок этади.

ЎЗА

ОСТОНА САММИТИ:

МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК БАҲАРАРЛИК ВА СУВ ҲАВФСИЗЛИГИ СТРАТЕГИЯЛАРИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Президенти шу йилнинг 21-22 апрель кунлари Минтақавий экологик саммит ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган йиғилишида иштирок этади.

Тадбирлар давомида Марказий Осиёнинг баҳарор тараққиёти йўлида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ҳудуддаги долзарб экологик, иқлим ва сув муаммоларини ҳал этиш масалалари муҳокама қилинади.

Президентимиз ушбу масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади, миллий павильонлардан иборат махсус экологик кўрғазмага ташриф буюради. Саммитлар якунида қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Давоми 2-бетда

ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ер ресурсларидан янада самарали фойдаланишга қаратилган таклифлар тақдироти билан танишди.

Сўнгги беш йилда мамлакатимизда ер муносабатларини ислоҳ қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ер ажратиш ваколати ҳокимлардан олиниб, ер участкаларини аукцион орқали реализация қилиш тартиби жорий этилди. Шу даврда 616,3 минг гектар ер аукцион орқали ажратилди, бюджетга 1,4 триллион сўм тушум таъминланди.

Энг муҳими, ернинг ҳақиқий эгаси пайдо бўлиши натижасида ҳар бир гектардан олинаётган даромад 3 қарра ошиб, 50-60 миллион сўмга етган. Бугун ушбу ерларда ҳар йили 539 триллион сўмлик маҳсулот етиштирилиб, 2,1 миллиард долларлик экспорт амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар ҳам борлиги кўрсатиб ўтилади.

Жумладан, ерлар аукцион орқали ажратилаётган бўлса-да, ижарачиларнинг ундан фойдаланишдаги мустақиллиги ҳали етарли эмас. Шу сабабли 117,6 минг гектар ер ҳозиргача сотилмасдан турибди.

Давоми 2-бетда

Шу боис, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага беришнинг янги тизимини қўллаш, жорий йилда яна 100 минг гектар ернинг янги тартиб асосида аукционга чиқариш режалаштирилган. Бу борада, айниқса, ердан фойдаланишда иқтисодий рағбатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Утган йили водий виллоятлари, Жиззах, Тошкент виллоятлари ва Қорақалпоғистонда сотилган ерларда экинларни мустақил жойлаштириш бўйича жорий этилган тажриба яхши самара бергани таъкидланди. Хусусан, 2025 йилда 20 минг гектар ернинг 16 минг гектарига тадбиркорлар ўзлари танлаган юқори даромадли ва экспортга экинларни экиб, 150 миллион долларлик экспорт учун замин яратган. Энди ушбу тажрибани кенгайтириш, ердан фойдаланувчиларга янада кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш муҳимлиги қайд этилди.

МҮЙНОҚ: УНУТИЛГАН ҲУДУДдан ТАРАҚҚИЁТ гача



Булоқ сувидай тиниқ осмонда ўрқач-ўрқач оқ булутлар сузиб юрибди. Бир қарашда булутлар қўл етадиган даражада яқин кўринади.

Тўрт томониниз қуюқ тўқай. Уни қатта йўл иккига бўлиб ўтган. Тўқайнинг адоғи кўринармикан дея кафтимизни пешонага қўйиб, олисларга кўз тикамиз. Қўнчиқардан кунботар қадар бирор белги, чегара кўринмайди. Кўксимизга ёқимли шабада урилади. Бу шунчаки шабада эмас, янги Ўзбекистон нафасини диёримиз бўйлаб тарқатаётган ҳаётбахш экин! Бундан 8-9 йил аввал ҳам биз келган ушбу манзил адоғи кўринмас сахро бўлганига ишониб қийин. Лекин бу инкор этиб бўлмас ҳақиқат!

Ўшанда мана бу тиниқ осмонни тез-тез чанг қоплар эди. Чунки шамол йўлини тўсадиган бирор тириклик топилмасди. Шу боис, иссиқ кунларда гармсел, ҳаво салқин ташлаганда изғирин забтига оларди. Оролнинг қуриган тубида ҳосил бўлган сахро қумлари туз аралаш ҳавога кўтарилар эди. Кимсиз кенгликда эса қалтакасак, чўл чумолиси каби санокли тирик жонни ҳисобга олмас, ҳаёт аломати сезилмасди.

Биз турган манзилдан 150-200 қақирим наридаги Мўйноқ тумани эса унутилган, қаровсиз ҳудуд эди. Унда умиди сўниб бораётган одамлар зўра кун кўрар, шу боис, аксарият ёшлар ўзи туғилиб ўсган уйини ташлаб, олис шаҳарларга кетиш орузида яшарди. Ана шундай бир вазиятда ҳаёт мароми бирдан ўзгарди. Инсонлар қалбига умид, сахро қумларига яшиллик уруғи сепилди. Яшириб нима қилдик, ўша пайтда бу ниҳоллар уншига шубҳа билан қараганлар ҳам бўлган. Ишончимизга сабаб эса эзу амал бошида узокни кўра билдиган, стратегик режа асосида пухта иш олиб борадиган мамлакатимиз етакчиси турган эди. Қисқа вақтда ана шу фактор ўз кучини кўрсатиб, амалий ифода топди.

Давоми 3-бетда

Тедрос Адханом Гебрейесус:

“ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА”

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус “Дунё” АА мухбири саволларига жавоб берди.

— Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар қўламли ва натижаларини қандай баҳолайсиз? Сизнингча, улардан қайси бири аҳоли тиббий хизматлар сифати ва оммабоплигини оширишга катта таъсир кўрсатди?

— Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ўзгартириш бўйича ҳақиқатан ҳам кенг қамровли дастурни амалга оширмоқда. Ислохотларнинг қўламли ва уларни ривожлантиришнинг аниқ стратегик кўриниши алоҳида ажралиб туради.

Мамлакатингиз стационар даволашни моделдан инсонга йўналтирилган кучли бирламчи тиббий-санитария ёрдамига асосланган тизимга изчил ўтиб бормоқда. Бундай ёндашув тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштирилади, саломатликни мустаҳкамлаш ҳамда хизматлардан кенг фойдаланишни таъминлайди.

Асосий ўзгаришлар касалликларнинг олдини олиш ва бошқаришга эътибор қаратган ҳолда тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, молиялаштириш механизм-

ларини такомиллаштириш, шунингдек, рақамли ечимларни фаол ривожлантиришни ўз ичига олади. Ушбу чора-тадбирлар аллақачон соғлиқни сақлаш тизими қўламлиги, самарадорлиги ва шаффоқлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, соҳанинг асосини ташкил этувчи тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш кучаймоқда: меҳнат шартнолари, рағбатлантирувчи механизмлар ва тиббий таълим тизими такомиллаштирилмоқда, бу эса ислохотлар баҳардорлигини таъминлайди.

— Ўзбекистон ва ЖССТ ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти ва ўзига хос жиҳатларини қандай таърифлаган бўлардингиз? Қайси асосий ютуқларни алоҳида қайд этасиз?

— ЖССТнинг Ўзбекистонда доимий ва фаол иштироки мавжуд бўлиб, бу давлат идоралари билан яқин ҳамкорликда эксперт қўмағи кўрсатиш, илгор халқаро тажриба билан бўлиши ва уни миллий шароитларга мослаштириш имконини беради.

Давоми 2-бетда

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШИШ — ИНСОНИАТНИНГ МАЖБУРИЯТИ

БМТ маълумотига кўра, дунёда 300 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик моддалари таъсирига тушиб қолган. Ҳар йили 600 мингга яқин инсон ушбу иллатнинг қурбонига айланмоқда.

Шундан ҳам бириш мумкинки, гиёҳвандлик ва наркотиноятлар бутун инсоният учун долзарб муаммолардан бири. Улар шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига доимо жиддий хавф солиб келган. Шу боис, халқаро ҳамжамият ушбу иллатларга қарши курашишни мунтазам давом эттирмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида бундай хавф-хатар барча давлатлар қаторида Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Мамлакатимизда гиёҳвандлик ва наркотиноятларга қарши курашиш умуммиллий ҳаракатга айланиб, барча давлатларга қарши курашишни мунтазам давом эттирмоқда.

Давоми 2-бетда



Янги Ўзбекистон руҳи

МҲЙНОҚ: УНУТИЛГАН ХУДУДдан ТАРАҚҚИЁТ гача



Салим ДОНИЁРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Бошланиш 1-бегда

Илк таширдан унган гуллар

Қорақалпоқ элида “Қадамнингиздан гул унсин” деган эзу тилак бор. Ҳаёт ҳикмати шундаки, тилак эгасини тўғри топса, албатта, ижобат бўлади. Қорақалпоқ эли доим Президентимиз таширидан қувониб, шу тилани такрорлаб юради. Бугун ушбу эзу ниятнинг ижобатини кўриб турибмиз.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сифатида биринчи таширини қорақалпоқ заминидан бошлаган эди. Ушбу ташир қайсида маънода янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг амалий қисми бошланганидан далолат беради. Албатта, ушбу пайтда биз ислохотларнинг қанчалик кўламдор эканини, қисқа вақтда ҳатто қақроқ саҳрони ҳам яшил майдонга айлантира оладиган даражада ҳаётбахш бўлишни тасаввур қила олганимиз йўқ. Оролнинг қуриган тубига экиладиган чўл ўсимликларини бориб кўрсангиз, янги Ўзбекистондаги ислохотлар ҳақидаги қарашларингиз янада жонланади. Инсон халқини яхши кўриб, сўзи ва амал билан ила ҳаракат қилса, саҳрога ҳам ҳаёт бахш эта олишига амин бўласиз.

Чунки Оролнинг қуриган туби яшил қоплама билан қамраб олинган, илк экилган ниҳоллар космосдан кўрина бошлади дея таърифлаш осон. Аммо йиллар давомида унутилган олис манзилга бориб одамларга умид бериш, шўрланган тупроқда, сувсизликка чидамли бир донга бундан ундиршиш... изиллаган саҳронинг жон олар иссиғи, суяк-суяккача



ўтиб кетадиган совуғига чидаб, қалин ўрмонга айлантириш, ҳатто айтишга ҳам осон эмас! Бунга Қорақалпоғистон, хусусан, Оролнинг қуриган тубига қилган сафаримиз давомида бот-бот амин бўлдик.

Сўз ва амал бирлигидан қувват олиб

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонни ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш масалаларини энг устувор вазифалардан этиб белгилаб берган. Айниқса, Мўйноқ ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келади.

2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида давлатимиз раҳбари Орол муаммосига бутун дунё нигоҳини қаратганди. 2018 йилда эса Оролнинг қуриган қисмида экологик мувозанатни тиклаш, ҳудудда яшил қоплама барпо этиш ҳамда дархат кўчатларини экиш ташаббуси билан чиққан эди. Ушбу ташаббус билан глобал муаммо саналган Оролнинг қуришга қарши амалий иш бошланди. Утган даврда Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларидаги 2 миллион гектарда ўрмон-мелиорация ишлари бажарилди. Хусусан, 1,453 миллион гектарга авиация, 462 минг гектарга махсус техникалар ёрдамида чўл ўсимликларининг уруғлари, 85 минг гектар майдонга турли хил кўчатлар экилди. Натижанда ҳудуднинг флора ва фаунаси қайта тикланмоқда.

Шу сўзларни ёзганимиз, кейинги йиллардаги ўзгаришларни ифодалаш учун сўз таърифи камдек. Чунки ҳар бир рақам ортда қанча меҳнат, мамлакат эътиқисининг бир сояна ҳам тиним билмай изиланиши борлигини теран аниқлаб турибмиз. Аммо шунга муносиб сўз, ифода топа олмай жим қоламиз. Ҳа, баъзан сўз қудрати ҳам инсон матонатни, меҳнати олдига оқиб қолар экан. Шу онда шoirнинг куйидаги мисраси ёдга тушади:



Тақдирин кўл билан яратар инсон,
Ғойибдан келажак бахт — бир афсона.
Янги Ўзбекистондаги инсон қадри учун бошланган янгиликлар бахтни кутиш эмас, уни бугун яратишга қаратилган. Шу боис, халқимиз бугундан рози, эртасидан кўнгли тўқ бўлиб яшамоқда. Халқни рози қилиш, турли миллат ва элатдан иборат жамиятни ягона Ватан атрофида бириктириш ҳақиқий етакчилирагина хос фазилат.

“Агар қиёслаш жоиз бўлса, бундан 10 йил аввал туман иқтисоди Оролнинг қуриган туби каби “саҳро”га айланганди. Бугун у қайтадан жонланмоқда. Шунга муносиб тарзда аҳолининг яшаш шароити йил сайин яхшиланиб борапти.



сўз ва амал бирлигининг ифодаси. Шу боис, янгиликларнинг “ислохот қилинди” деган ном учун эмас, том маънода халқни рози қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларидир...

Ўшанда экилган ниҳоллар ўрмонга айланибди

Машинамиз тўқайга хос паст-банд йўлда бир маромда кетиб борар эди. Олдимида йўл четига тизилиб турган икки-учта машина кўринди. Сўнг очик майдонда белкур ак олиб, қонда нимадир сочиб юрган одамлар кўзга ташланди. Қизиқиб сабаб уларнинг ёнига тўхтадик. Тасодифини қаранг, улар Оролнинг қуриган тубида иқлим шароити, тупроқ унумдорлигига қараб, дархат ва бута турларини танлаб экидиган олимлар гуруҳи, соҳа масъуллари экан. Табиийки, мақсади муштарак инсонлар сифатида тезда тил топишдик. Улар сўхбат чоғида жуда қизиқ, муҳим аҳамиятга эга маълумотларни айтиб берди.

— Оролни яшил маконга айлантириш фақат кўчат экиш, уруғ сеппидан иборат эмас, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги агентлиги раҳбари Ойбек Аминов. — Ишларни инновацион ва илмий ёндашув асосида ташкил этишга жиддий эътибор берамиз. Давлатимиз раҳбари олдимизга мана шундай муҳим вазифа қўйган. Олимлар билан ҳамкорликда уруғларни махсус грануллаш ва капсуллаш орқали экиш амалиётини синондан ўтказдик. Капсула деганимиз — зарур минерал ўғитлар йиғиндиси. Илмий асосда неча кило уруғга қайси ўғитдан қанча қўшиш керак экани ишлаб чиқилган. Шунга кўра, минераллар қоринмаси ва уруғлар аралаштирилади ва юмалоқ ҳолатга келтирилади. Капсула намликни яхши сақлайди. Оғирлиги сабаб шамолда учиб кетмайди. Самолетда сепилса ҳам мўлжалланган ерга аниқ тушади. Шу тариқа капсула чўл шароитида ўсимликларнинг унумчанлик даражасини кескин оширади. Ҳозир бошқа жойларга нисбатан тупроғи кўпроқ шўрланган, тузли кум аралаш ерда тажриба учун уруғ қадаямиз. Мақсадимиз энг мураккаб шароитда ҳам яшил қоплама яратишга самарадорликка эришиш.

Ойбек Аминовнинг сўзларини тинлар эканмиз, Президентимизнинг ислохотларнинг илк кунларидаёқ китобхонлик тартибига алоҳида эътибор бергани ёдимизга тушди. Сўнг мамлакатимиз етакчисининг “Маданият Мўйноқдан бошланади” деган сўзини эсладик. Бугун бу сўз замирида катта ҳаётини ҳақиқатларни, улғувор мақсадлар рўйбини кўриб турибмиз. Оролбўйи ҳудуди кейинги йилларда ҳам ижтимоий, ҳам маданий, ҳам иқтисодий жиҳатдан жудан ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси таъдир ҳақиқий фикримиз баёнидир.

Бугунги ислохотлар китоб, билим ва маърифат билан янада мустаҳкамланиб борапти. Яшил қопламани яратишда илмий изиланишлар фикримизнинг яққол мисолидир. Тажриба майдонига олимлар билан суҳбатимиз қизиган кечди. Вақт хукимига бўйсуниб, йўлда давом этдик. Энди Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги агентлиги раҳбари Ойбек Аминов бизга ҳамроҳлик қилиб, илк ниҳоллар қадалган манзил сари бошладик.

Очиғи, 2018-2019 йилларда экилган саксовул, юлғун каби ўсимликларни кўриб, ҳақиқий ўрмонга етиб келганимизни аниқлади. Урмон оралаб юлғунларга бўйлаб кўрамиз. Уларнинг аксарияти одам бўйидан анча баланд. Оёғимиз остида эса сон-санокчи сиз чиганоқлар! Қадам босишингиз ҳамон улар ўзига хос овоз чиқариб, кумга чўқур ботади. Ахир бир пайтлар бу ерда денгиз, 50-60 метр чуқурликда сув бўлган.

Катта-кичик кемалар сузиб юрадиган денгиз соҳилида балчиқлик хўжалиқини фойда олиб борган. Кейин сув тортилди. Бунинг оқибатида глобал иқлим муаммоси юзга келган ҳақида такрорлашимиз шарт эмас. Ушбу пайтларда бу ер саҳрога айланган, тепадан қаранган киши бетонлик рами бўлган сарғиш рангини кўрар эди. Мамлакатимиз Лидерининг ҳаётбахш ташаббуси сабаб ҳозир бу майдон яшил тусда кўзга яққол ташланади. Сафар чоғида шунга амин бўлдикки, кейинги йилларда амалга оширилган ишлар экологик муаммони юмшатиш ва унга қарши курашишга катта самара бермоқда. Бу ерда янги экотизим яралиб, ҳайвонот дунёси пайдо бўляпти. Сафар чоғида тулки ва қўёнларнинг югуриб юрганини кўрдик. Қаердандир сайроқи қушининг хониси эшитилди. Ҳатто бу ерда кийиклар ҳам бор экан. Мутахассислар, хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси вакилларининг таъкидлашича, ҳудудда яшиллик пайдо бўлган кум ва туз буронлари 50 фоизгача кайтади. Бу жуда катта натижа. Масалан, қўшни мамлакатларда бундай буронлар ҳалигача тез-тез кузатилади. Яқинда ҳам улар ана шундай буронларнинг бирини бошдан кечирди.

— Ҳозир Оролнинг суви тургани ўзанида турибмиз, — дейди Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги раҳбари Алишер Бекмуродов. — Бу ерларда 2018 йилдан янги ҳаёт бошланди деб бемалол айта оламиз. Худудга чўл шароитига чидамли ўсимлик турларни экилди. Бута ва ўсимликлар пайдо бўлиши билан шу ердаги ёввойи ҳайвонот дунёси учун ҳам янги ҳаёт бошланди.

Бундан ташқари, Президентимиз ташаббуси билан беш-олти жойда тик қудуқлар қазилди. Ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар — ҳаммаси шу ердан сув ичади. Айтиш мумкинки, ҳудудда ҳаёт янги босқичга ўтди. Яхшилаб кузатсангиз, юлғун ва саксовуллар орасида озиқланиб юрган қуён ва бошқа турли ҳайвонларни учратасиз. Ҳозир уларнинг кўпайиши даври.

Билансими, бу жойлар яқин йилларга қадар бош-адоғи йўқ оппоқ кум эди. Шамол кумини у ёқдан-бу ёққа қўчириб, улкан барханлар пайдо қиларди. Илгари мана шу чўлларда яна ўсимликлар ўсади, ҳайвонлар қайтиб келади деса, биров ишонмасди. Мана, ҳозир кўз ўнгимизда бу реалликка айланди. Устига-устак, мажбур ҳудудда оғир қатъийан тақиқланган. Шу сабаб ҳайвонлар популяцияси жуда яхши. Ҳаммаси шундай давом этса, беш-ўн йилдан кейин бу ер улкан қўриқхонага айланиб кетиши ҳеч гапмас.

Мутахассислар таъкидлашича, кейинчалик бу ерда фақат чўлга чидамли буталар эмас, бошқа ўсимлик турларини ҳам экиб, катта яйловга айлантирса бўлар экан. Шу орқали чорвачилик, асарчилик каби бошқа тармоқларни ривожлантириш имкони бор. Масалан, юлғун май ойининг бошида гуллайдиган. Мазкур ҳудудда янтоқ ҳам кўп экан. Демак, асал олиш учун етарли шароит мавжуд.

Бу иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш учун яхши имконият. Қаранг, узоқни кўзлаб, пухта режа асосида бажарилган ишнинг самараси ва кўлами қанчалик кенг!

— Ердаги намлик яхши экани боис, жорий йилда яна 230 минг гектар майдонга уруғ қадалди, — дейди Ойбек Аминов. — Жараёнда 700 дан зиёд махсус техника ва механизмлардан, шунингдек, бориш қийин бўлган ҳудудларга уруғ сочиш учун иккига самолётдан унумли фойдаланилди. Намликни сақлаш ҳамда кўчиг юрениш кумларини тўхтатиш мақсадида ўзига хос агротехника усуллари қўлланилиб, махсус жўяклар тортилди. Бу жойларга асосан шўр ҳамда курғоқчиликка чидамли бўлган қорабарок, юлғун, сарсазан, қандим, черкез ҳамда изен каби ўсимликлар экилмоқда. Олдимида турган асосий стратегик мақсадлардан бири — 2030 йилга қадар мазкур ҳудудда яна 1 миллион гектардан зиёд майдонда яшил қопламаларни барпо этишдир. Бу борда махсус саксовул кўчатхоналарининг фойдали тобора кенгайтирилмоқда.

Барак ва унумдорлик сири шукроналикда, мардликда

Мўйноқ мамлакатимизнинг энг шимоллий ҳудуди. Ундаги ҳаёт мароми, юрак уриши Орол денгизи билан қамбармас боғлиқ. Шу боис, Оролнинг қуриган тубидаги яшиллик бўйи чўзишига ҳамоҳаз равишда мўйноқликлар қалибда ҳам умид, ишонч мустаҳкамланди. Аниқ рақамларга эътибор берсак. Утган 2025 йилда туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 621,1 миллиард сўмни ташкил этган. Ушбу суръати 121,4 фоизга етиб, республикадаги улуғи 2,1 фоизни ташкил қилган.

Илгари мўйноқликлар оғир турмуш шароитида яшаган. Одамлар ҳатто кундалик эҳтиёжларини қондиришда қийналган, болалар учун мактаб формаси ва ўқув қуролларини сотиб олишга ҳам имкони бўлмаган. Ёши улғун инсонлардан бири бу ҳақда сўзлаб, кўз ёши билан ўтмишини эслади. Эски сандиқларда сақланган кийимлардан фойдаланишга, ёзув қуролларини қайта-қайта ишлатишга мажбур бўлганликларини айтиди. Ана шундай оғир вазиятда қолган туман аҳли бугун экспорт, инвестиция лойиҳалари ҳақида баҳс юритиб, уни яна қай йўсин кўпайтириш борасида фикр алмашапти. Биргина мисол, 2025 йилда Мўйноқда жами 172 миллиард сўмлик 10 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган. Натижанда 195 та янги иш ўрни яратилган. Яна бир муҳим факт. Утган йил давомида ҳорижий инвестициялар ва кредит маблағлари ҳисобидан жами 5,1 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилган. Бажарилган ишлар натижа-сида камбағаллик даражаси 5,5 фоиздан 2,7 фоизга туширилган.

Агар қиёслаш жоиз бўлса, бундан 10 йил аввал туман иқтисоди Оролнинг қуриган туби каби “саҳро”га айланганди. Бугун у қайтадан жонланмоқда. Шунга муносиб тарзда аҳолининг яшаш шароити йил сайин яхшиланиб борапти. Қанчалик мураккаб бўлмасин, Мўйноқнинг мард ва танга аҳолиси синовлардан мардона ўта олди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда Мўйноқ туманига ташириги чоғида: “Орол фожиа-синг энг кўп зарар кўрган асли шу — Мўйноқ аҳолиси. Уларнинг сабр-қаноати, ватанпарварлиги, меҳнатқашлиги учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак”, деган эди.

Сафар чоғида Мўйноққа бориб, сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар билан танишар эканмиз, мамлакатимиз етакчисининг илк ташири чоғида айтган фикрлари ҳаётда ўз аксини топганига кўп бора гувоҳ бўлдик. Мард ва танга мўйноқликлар билан суҳбатлашдик, уларнинг кўзларида кечаги дард ва бугунги умидни кўрдик. Орол денгизи қуриши натижасида ҳавога кўтарилган туз ва

чанг нафақат табиатни, балки инсон саломатлигини ҳам издан чиқарган эди. Оқибатда онкологик ва бошқа оғир касалликлар кўпайиб, аҳоли орасида ҳавотир ва тушқунлик кайфияти ҳукм сура бошлаган.

Сўнгги йиллардаги кенг кўламли ислохотлар Мўйноқ аҳлига умид ва ишонч берди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Орол тубида яшил қопламалар барпо этилиши, туман инфратузилмасининг янгилааниши, ижтимоий соҳадаги ислохотлар ҳудуд ҳаётини тубдан ўзгартирди. Маҳаллий аҳоли таъбири билан айтганда, “ҳаёт бу ерда қайта туғилди”.

Тангликни қарангки, туман аҳли ушбу имкониятларга шукрона айтиб, ҳалол меҳнат ила рўзгор тебратмоқда. Сафаримиз давомида Мўйноқ тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Мурод Жумабеков жуда қизиқ фактни айтиди.

Оролбўйи аҳолисининг ижтимоий шароитини яхшилаш, доимий даромад манбаларини яратиш борасида ҳам қатор амалий ишлар олиб бориляпти экан. Хусусан, Орол денгизида сақланиб қолган ноёб жонивор — артемия цистаси саноатини ривожлантириш мақсадида махсус давлат унитар корхонаси ташкил этилган. Бугун маҳаллий аҳоли ушбу қимматбаҳо уруғни йиғиб топириш орқали ўзлари учун кўшимча даромад топяпти.


Артемия цистаси маълум мавсумда денгизда сузиб, қирғоқ сари оқиб келади. Соҳилда уларни тутиш илмида мўйноқликлар қатор тизилди. Ҳамма белгиланган жойида туради. Ҳеч ким бошқалар чегарасини бузиб ўтмайди. Артемия цистаси кимнинг рўпарасига оқиб келса, ўша киши унга эгалик қилади. Бошқалар эса жим қараб тураверади. Тасаввур қилисангиз, рўпарангизда килоси фалон сўм турадиган маҳсулот оқиб келяпти. Аммо у кимдир чизган чизикдан бир қадам нарида экани боис, эгалик қила олмайсиз. Кун давомида бу ҳолат ўн, юз марта такрорланса ҳам денгиз тортик этган насибага рози бўлиб унга қайтасиз. Ох, бу мардлик, тангликни қанчалик таърифламанг, сўз етмайди!

Жамоамиз бир-бирига маъноли қарайди. Ҳар ким ўзича бундан ҳикमत излайди. Ана шу ҳикматнинг барчаси битта ўқилдизга берилашади, назаримда. Бу — мардлик, берилган ризққа шукроналик ҳисси. Мўйноқнинг баракаси, бошланган ишларнинг тез ривож топиб, шўрланган саҳросида ҳам яшиллик униб кетар-вершининг сирларидан бири шунда бўлса, не ажаб!.

Сафардан кейинги ўйлар

Баъзан узоқ сафарлар кишига йиллар давомида шаклланган қарашларни янгилайдиган теран ҳулосаларни ҳада этади. Сафаримиз якунланиб, орта қайтар эканмиз, яна кўкка кўз тикамиз. Осмон бўлоқ сувидан ҳам тиниқроқ кўринади. Негадир “Осмон — ойна” деган ибора фикр-ёдимни банд этади. У вақти-вақти билан бизга ўзимиз бажарган ишлар, асл қиёфамизни кўрсатиб туради. Шундай ўйлар оғушида кетар эканмиз, ундаги оппоқ булутлар кўзимизга қирғоққа уриляётган денгиз тўлкинини эслади. Мовий кенглик эса сокин чайқалаётган денгизни ёдга солади. Буларнинг барчаси жам бўлиб янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг осмон ойнасидаги тасвириди таъассурот уйғотади. Аслида ҳам шундай, назаримда.

Тошкентга қайганимизда эса Президентимиз Минтақавий экологик саммит ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси тасвирчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йиғилишида иштирок этиш учун Қозғоғистонга амалий ташир билан бориши ҳақидаги хабарлар тарқала бошлади. Ана шу хабарларга пайваста ҳолатда дилда бир эзу тилак туғилди: Оролнинг мовий осмони бутун дунёга ёйилиб, экологик масалалар барҳам топсин. Инсонлар қалиби ҳам ана шундай тиниқлашган, кўнгилларга умид ва ишонч бағишланган, ҳаётимизни тубдан ўзгартириб, инсон қадри учун қилинаётган эзгу ва тарихий беҳаҳо саъй-ҳаракатлар доимо бардавом бўлсин!



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕП
ҚИЛИНГ!



Долзарб мавзу

БИОСФЕРА МУСАФФОЛИГИ — СОҒЛОМ ГЕНОФОНД ГАРОВИ

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий юксалишини биосфера бойликларидан самарали фойдаланишсиз тасаввур этиш қийин. Инсон биосфера бойликларидан фойдаланиш жараёнида унга фаол таъсир кўрсатади. Наботот, ҳайвонот ва одам яшаши учун зарур муҳит, яъни ҳаво таркибидаги асосий тўрт элемент (кислород, углевод, водород ва азот)нинг қуёш энергияси таъсири ва сув иштирокида амалга ошадиган экологик айланиши мувозанатини бузади. Шунингдек, тупроқ, ҳаво ва сув ифлосланади. Тирик организмлар генофондига зарар етади.

Жаҳонда, жумладан, мамлакатимизда аҳоли генофондини сақлаб қолиш учун табиий мувозанат барқарорлигини мунтазам назорат қилиш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва самарали амалга ошириш долзарб вазифадир. Сўнгги йилларда инсониятнинг табиий ресурсларни ўзлаштириш, қайта ишлаш ва қўшимча қийматга асосланган янги маҳсулотларни яратиш билан боғлиқ амалий фаолияти жадаллашди. Йирик аҳоли пунктларидаги урбанизациялашув, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи исхончалар, мавсумий иссиқлик таъминоти корхоналари фаолияти, ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш объектиларини салмоғининг ортиси тўғрисидаги экологик вазият ёмонлашади. Атроф-муҳит ифлосланишида, айниқса, транспорт воситаларининг таъсири катта.

атроф-муҳитга чиқарилаётган ифлослантувчи моддалар миқдорини тезкор аниқлашга оид илмий-техник ечим. Иккинчиси, автотранспорт воситаларининг атроф-муҳитга антропоген таъсирини камайтирувчи таксимлаштирилган сўндиргич. Биринчи илмий-техник ечимнинг моҳияти шундаки, у энгил конструкцияга эга модуль бўлиб, атроф-муҳитни ифлослантувчи аниқ манбаларнинг чиқинди газларни таркиби ва ифлослантувчи даражасини тезкор аниқлайди. Унинг ишлаши турли об-ҳаво шароитида ҳаво таркибидаги чиқинди газ тури, ҳатто муаллақ чанг зарралари концентрациясини ўзгартириши ҳам тегишли датчиклар ёрдамида таҳлил қилиш имкончилигига асосланган. Модуль тузилишидаги ушбу қурилма турли газлар ва экологик параметрларни ўлчовчи датчиклар билан жиҳозланган. У автотранспорт воситаси ёки учувчисиз учуш қурилмаларига ўрнатилиб, ҳаракатланган давомида геолокация маълумотлари билан бирга ҳавонинг ифлосланиши кўрсаткичларини реал вақт



двигателининг йиллик кислород сарфи 20-30 кишининг йил давомида нафас оладиган кислородига тенг. Бундан ташқари, атмосферага ҳар хил газ (ис, газ, азот оксиди, углеводород, кўроғининг захарли бирикмалари, чанг, қурум) чиқаради. Хусусан, атмосфера ҳавосини азот оксиди билан 45,7 фоиз, углеводород билан 42 фоиз зарарлантиради. Ер юзига бир йилда ҳавога чиқариб ташланадиган 100 миллион тоннага яқин ис газининг 75,5 миллион тоннаси ёки 78 фоиз автотранспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади. Ҳисоб-китобларга кўра, бир йилда битта автомобиль ўртача 4 тонна оксигенни ҳаводан олиб, ташқи муҳитга 800 килограмм ис газ, 40 килограмм азот оксиди ва 200 килограмм атрофда турли захарли модда, жумладан, углеводород чиқаради. Президентимизнинг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони билан барқарор ривожланиш тамойилларига асосланиб табиатни асраш, экологик барқарорликни таъминлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш, "яшил иқтисодиёт"га ўтиш ва ифлосланишни камайтириш орқали аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва бой табиий ресурсларни келажақ авлодга етказиш зарурлиги белгиланган. Концепциянинг ўзaro узвий боғлиқ олти йўналишидаги тегишли вазифаларни амалга ошириш мамлакатимиз фуқаролари, хусусан, соҳа мутахассислари ва олимлар зиммасига катта вазифалар юклайди. Шу боис, атмосфера ҳавоси, сув ҳавзалари ва тупроқнинг сановат ва миний қиқиндилар билан ифлосланишини минималлаштириш йўналишида бажарилаётган иккита илмий ишланма ҳақида маълумот беришни мақсад қилдик. Биринчиси, атмосфера ҳавосини ифлослантувчи манбалар ҳамда улардан

режимда қайд этади. Юқори мобилликка эга ушбу тизим катта ҳудудларда тезкор мониторинг ўтказиш, ифлосланиш манбаларини локаллаштириш ҳамда вертикал таксимотни таҳлил қилиш имконини беради. Ушбу ечим аънанавий стационар мониторинг тизимларининг чекловини бартараф этиб, экологик назорат самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Жиззах политехника институти тадқиқотчилари билан бажарилган иккинчи техник ечимнинг моҳияти автотранспорт воситалари ички ёнув двигателидан чиқадиган газларни камайтириш билан боғлиқ. Одатда улар қатор бошқичлардан ўтиб, сўнгги бошқичда сўндиргич орқали атроф-муҳитга ташланади. Катализатор чиқинди газ миқдорини камайтиради, чала ёнган ёнилгининг ёниш жараёнини тезлаштириб, резонаторга чиқинди газ ўтишини таъминлайди. Резонатор шовқинини пайсатирди, чақналарни сўндириб, зарарли газлар миқдорини камайтиради. Сўнгги бошқичда сўндиргич шовқин, чиқинди газнинг товуш тебранишини пайсатирди ҳамда қўшимча филтёр бўлган тақдирда чиқинди газ миқдорини камайтиради. Янги тақлиф этилаётган сўндиргич маҳалли базальт толардан тайёрланган тўлдиргичи шур билан тўлдирилган. Базальт толарлари, жумладан, улардан олинган маҳсулотлар юқори ҳарорат ва коррозияга чидамли, агрессив муҳит, тузлар, кислоталар, ишқорий эритмалар таъсирини бартараф қилиб, атроф-муҳит мусофоллиги тобора долзарблашиб бораётган айна қўнда мазкур ишланма ва таклифларнинг кўпроқ ишлаб чиқиши ҳамда амалиётга кеңроқ жалб этилиши мақсадга мувофиқ.

Фарҳод РАҲИМОВ,
техника фанлари доктори,
профессор

Транспорт воситалари атмосфера ҳавосини турли захарли газлар билан ифлослантувчи ташқари, дунё аҳолиси нафас олиши учун зарур кислороддан 3-4 баробар кўп кислород ёқди.

Ишлатилмаган майдон — йўқотилган имконият

ДАЛА ЧЕТЛАРИ САМАРАСИЗ ЭМАС

Сўнгги йилларда аграр соҳадаги ислохотлар мазмунан янги босқичга кўтарилиб, ер ресурсларидан унумли ва мақсадли фойдаланиш масаласи устувор вазифалардан бирига айланди. Бу бежиз эмас. Чунки ер чекланган, бироқ улкан иқтисодий ва ижтимоий қийматга эга бойликдир. Ундан оқилона фойдаланиш нафақат фермер ёки деҳқон хўжалиги, балки бутун мамлакатнинг озик-овқат барқарорлигига беvosита таъсир кўрсатади.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаш жоиз: бугунги глобаллашган дунёда бирор давлатни озик-овқат хавфсизлиги нуқтаи назардан мутлақ мустақил деб баҳолаш қийин. Халқаро бозорлар ўзaro боғланган, маҳсулотлар айланмаси эса доимий ҳаракатда. Бир давлатдаги ишлаб чиқариш жараёни ёки логистикадаги узилиш бошқа минтақаларда нархлар тебранишини келтириб чиқариши мумкин. Масалан, муайян давлат қаҳва ёки дон маҳсулотлари экспорти бўйича етакчи бўлса, у ердаги сиёсий ёки иқтисодий беқарорлик дунё бозорига ушбу маҳсулот таннари кескин ошишига

мавжуд. Бироқ бунинг учун фақат тавсия ва тушунтиришлар етарли эмас. Аниқ механизмлар, назорат ва энг муҳими, масъулиятни кучайтириш талаб этилади. Эро, ердан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, ҳар бир майдонни ҳисобга олиш ва унинг бўш қолишига йўл қўймаслик бугунги куннинг долзарб талабидир. Бойси, самарадорлик, аввало, интизом ва ёндашувдан бошланади. Ана шу долзарб вазифалардан келиб чиқиб, қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қара-

етилмоқда. Бу ердан фойдаланишдаги бефарқликка нисбатан аниқ чора сифатида намоён бўлади. Янги тизимда рақамлаштириш ва шаффоқликка алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳар йили белгиланган муддатга қадар экин экиш таъминланмаган юқоридаги каби ер участкалари ва уларнинг эгалари ҳақидаги маълумотларни солиқ органларига электрон шаклда тақдим этади. Бу маълумотларни яшириш ёки сунъий равишда ўзгариши имкониятини чеклаб, назоратнинг самарадорлигини оширади.




Мулоҳаза

сабаб бўлади. Бу ҳолат бошқа стратегик маҳсулотлар мисолида ҳам кузатилади. Айна шу сабабли бугунги кунда ҳар бир давлат ўз ички ресурсларидан самарали фойдаланиш, ташқи таъсирларга чидамли тизим яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон учун ҳам бу ёндашув жуда муҳим. Чунки аграр салохиятини тўлиқ ишга солиш барқарорлик кафолатидир. Шу билан бирга, амалиёт барча ер майдонларидан бир хил фойдаланилаётганини кўрсатаяпти. Айниқса, дала ҳудудлари четлари — каналлар, ариқлар, шунингдек, коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги ерлар кўп ҳолларда эътибордан четда қолмоқда. Ваҳоланки, айнан шу майдонлар ҳам қишлоқ хўжалиги айланмасига тўлиқ жалб этилса, қўшимча ҳосил ва барқарор даромад манбаи бўлиши мумкин. Таҳлиллар шунга кўрсатмоқдаки, иккинчи даражали деб қаралаётган бундай ҳудудлардан самарали фойдаланиш орқали умумий ишлаб чиқариш ҳажминини сезиларли даражада ошириш имконияти

тилган муҳим қадам бўлди. Янги тартибга кўра, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг фақат марказий қисми эмас, балки дала четларидаги канал, сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги ҳудудлар ҳам алоҳида назорат объектига айланмоқда. Энди иккиламчи ижара асосида ердан фойдаланаётган ижарачилар учун масъулият янада ошди. Белгиланган муддат ва талабларга мувофиқ мазкур ҳудудларда мақбул экин экиш таъминланмас, бу ҳолат ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади. Натияжада базавий ҳисоблаш миқдорининг бир барабаридан уч барабаригача жарима қўллаш тартиби жорий

Энг муҳим жиҳатлардан бири иқтисодий таъсир механизмлари кучайтирилганидир. Агар ер майдонининг муайян қисмида экин экиш таъминланмас, ушбу майдон учун ер солиғи уч барабар миқдорда ҳисобланади. Аслида, бугунга қадар етарлича эътибор қаратилмаган дала четлари катта иқтисодий салоҳиятга эга. Турли ҳисоб-китобларга кўра, республика бўйича ўн мингга гектар шундай майдон тўлиқ ишлатилмай келинган. Агар улар қишлоқ хўжалиги айланмасига киритилса, қўшимча мингга тонна маҳсулот етиштириш имконияти пайдо бўлади. Мазкур ҳолат ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш,



импортга қарамликни камайтириш ва экспорт ҳажминини оширишга хизмат қилади. Шу ўринда табиий савол туғилади: дала четларидан ҳақиқатан ҳам самарали ҳосил олиш мумкинми? Амалиёт кўрсатмоқдаки, бу ерларда ҳосилдорлик баъзи ҳолларда асосий майдонларга нисбатан пастроқ бўлиши мумкин. Бироқ бу ерлар умуман самарасиз дегани эмас. Аксинча, тўғри ёндашув ва мос экин турини танлаш орқали бу ҳудудлардан юқори иқтисодий самара олиш мумкин. Масалан, полиз экинлари, сабзавотлар ёки мевали дарахтлар шундай шароитларга яхши мослашади. Айрим фермерлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, ҳатто кичик майдонда ҳам тўғри агротехника қўлланилса, сезиларли даромад олиш мумкин. Демак, масала ернинг жойлашувида эмас, балки ундан қандай фойдаланишдадир. Албатта, бундай майдонларни ўзлаштириш осон кечмайди. Чекка ҳудудларда тупроқ сифати пастроқ бўлиши, техника кириши қийинлиги ёки йўл ва каналларга яқинлиги сабабли айрим ҳарф омиллари мавжуд. Бироқ бу муаммоларни замонавий агротехнологиялар орқали бартараф этиш мумкин. Масалан, томчилатиб сугориш, органик ўғитлардан фойдаланиш ва интенсив усуллари қўллаш орқали бундай ер унумдорлигини сезиларли даражада оширса бўлади. Янги тартиб эса ана шу имкониятларни ишга солиш, ҳар бир қарич ерни иқтисодий айланишга киритиш ва умумий самарадорликни оширишга хизмат қилади. Энг муҳими, бу жараён ердан фойдаланаётганларни янада фаол, масъулиятли ва замонавий ёндашувга эга бўлишга ундайди. Эро, дала чеккаларига муносабатни ўзгариштириш бугунги куннинг талабидир. Уларга эндиликда иккинчи даражали майдон эмас, балки қўшимча ўсш нуқтаи сифатида қаралиши керак. Шу ўринда яна бир мулоҳаза, дала четлари имкониятини тўлиқ ишга солиш масаласи фақат ҳуқуқий ёки маъмурий чоралар билан чекланиб қолмайди. Бу жараёнда, юқорида таъкидлаганимиздек, агротехник ёндашув ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хусусан, бундай ҳудудларни ўзлаштириш учун замонавий техника ва технологияларни қўллаш, томчилатиб сугориш тизимлари, органик ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Бу, ўз навбатида, қўшимча молиявий харажатларни ҳам юзга келтириши мумкин. Тангангир иккинчи томони бўлганидек, ҳар қандай янги талаб ёки агротехник чора, аввало, иқтисодий ҳисоб-китоб билан боғлиқ. Яъни дала чеккаларини ўзлаштириш учун қилинган сармоя тезда ўзини оқлаши ёки оқламаглиги муҳим масала. Чунки ўғитлар, сув тежовчи технологиялар ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари айрим хўжалиқлар учун қўшимча молиявий юк бўлиб кўриниши мумкин. Аёнки, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кучайтириш, имтиёзлар ва рағбатлантириш тизимини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этади. Чунки ердан самарали фойдаланишни талаб қилиш билан бирга уни амалга ошириш учун қўлай иқтисодий шарт-шароит яратиш ҳам муҳим. Асосийси, ҳар бир қарич ерни иқтисодий айланишга киритишда давлат ва фермер ўртасидаги манфаатлар мувозанати таъминланиши лозим. Эро, барқарор натижа айнан шу ҳамкорлик ва уйғунлик орқали қўлга киритилади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ШИНЖОН ТАЖРИБАСИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҲОСИЛДОРЛИККА ЗАМИН ЯРАТАДИ

Баҳор қишлоқ хўжалиги учун муҳим палла. Деҳқонлар ерга уруғ қадаб, далаларда агротехник тадбирлар қизғин жараёнга киради. Айниқса, пахта етиштиришга ихтисослашган фермерлар ерни тайёрлаш, уруғ танлаш ва чигит экишдаги муҳим юмушларни бажаради. Гоҳида об-ҳаво инжиқлиги бободехқон режасига салбий таъсир кўрсатади. Аммо бундай ҳолатлар учун ҳам етарлича тажриба тўплаган фермерлар барча қийинчиликларга оқилона ечим топмоқда. Қолаверса, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар соҳага замонавий технологиялар ва янги ёндашувлар татбиқ этилишига замин яратди. Натияжада ердан самарали фойдаланиш ва ҳосилдорлик даражаси ошди.



Президентимиз 2025 йил декабрда Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунда соҳа вакиллари билан учрашувда 2026 йилда "Шинжон тажрибаси" асосида 300 минг гектарга чигит экилишини билдирганди. Шунингдек, томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш учун 2 триллион 600 миллиард сўм имтиёзли кредит, ўз маблагидан пахта етиштирган фермерларга ҳосилнинг 10 фоизгача қисмини субсидиялаш учун 250 миллиард сўм берилиши белгиланганди. Бундан ташқари, пахта етиштириш учун кредит лимитининг ярмидан

жараёнини тезлаштиради. Яна 2782 гектарга 76 яккақатор схемада чигит экилди. Айниқса, "Шинжон тажрибаси" асосида пахта етиштириш аграр соҳада янги босқични бошлаб берди. Бу тажриба сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат сарфини камайтириш ва юқори ҳосилдорликка эришиш имконини бермоқда. Шунингдек, пахта парваршишида сифат кўрсаткичларини оширади. Ҳозир туманда чигит экишни ўз вақтида ва сифатли яқунлаш мақсадида барча зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Техника ва агрегатлар тўлиқ шай ҳолатга келтирилган, етарли миқдорда ёқилга-мойлаш материаллари захираси яратилган. Шу билан бирга, фермер хўжаликлари ва мутасадди ташкилотлар ўртасида ўзaro ҳамкорлик мустаҳкамланиб, агрономик назорат кучайтирилган. Мутахассислар ерни экишга тайёрлаш, ўғитлаш, сугориш ва чигитни тўғри жойлаштириш каби жараёнларни доимий равишда мониторинг қилиб бори. Бу келгусида юқори ва сифатли ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратди. Кармана туманида қишлоқ хўжалигида замонавий агротехнологиялар кен жорий этилмоқда. Янги технологиядан самарали фойдаланиш мақсадида соҳа мутахассислари учун ўқув семинарлари ташкил

этилди. Уларда мутахассислар ҳар бир гектардан баракали ҳосил олиш йўли — замонавий аграр ёндашувлар, илмий асосдаги илгор технологияларни жорий этиш бўйича маълумотлар берди. — Қишлоқ хўжалигида юқори самарадорликка эришининг асосларидан бири замонавий техника ҳисобланади. Шу мақсадда жорий йилги чигит экиш мавсумига туманга "Шинжон тажрибаси"да чигит экиш учун замонавий пневматик қўшқатор сеялка келтирилди, — дейди Кармана тумани ҳокими Уринбосари Соҳиб Сатторов. — Жараёнда қўшимча ер майдонларини ҳам ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Қаҳрамон маҳалласи ҳудудидаги 500 гектар ер ўзлаштирилиб, янги технология асосида — плёнка остида 76x10 схемада қўшқатор тарзда пахта экишга киришилди. Шунингдек, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сугориш тизимини такомиллаштириш ҳамда агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда амалга ошириш бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ишланмоқда. Навоий вилоятининг чўл ҳудудлари, Қизилқум кенгликларига асосан чорвачилик ривожланган. Шу билан бирга, Кармана, Навоҳор, Қоғиш, Қизилтепа ва Хатирчи туманларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирилади. Баҳорги ёнгарчилик чўлга барака олиб келади. Чигит қадалган майдонларда ҳам намлик юқори бўлади. Бу йил баҳор яхши келди. Фермерлар ғанимат кунлардан самарали фойдаланиб, қуғит кирмонга мустаҳкам замин ҳозирламоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Президентимизнинг жорий йил 10 апрелдаги "Олий таълим, фан ва инновациялар тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони илм-фаннинг иқтисодиёт билан узвийлигини таъминлаш ва инновацион тараққиётни жадаллаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Фармон билан олий таълим, фан ва инновациялар тизимини "5Т — таълим, тарбия, тадқиқот, тижоратлаштириш ва тизимли такомиллаштириш" тамойили асосида ривожлантириш, шунингдек, юқори салоҳиятли олий таълим ташкилотларини халқаро миқёсда рақобатбардош ва иқтидорли ёшлар учун илмий-интеллектуал марказларга айлантириш кўзда тутилмоқда. Ушбу ёндашув олий таълим муассасалари фаолиятини комплекс ривожлантиришга қаратилган.



Олий таълимдаги янгиликлар

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ДРАЙВЕРИ

Илгари олий таълим муассасалари фақат таълим бериш билан чекланган. Талабанинг маънавий ҳолати (тарбия), олимларнинг изланишлари (тадқиқот) ва энг асосийси, ўша илмий кашфиётларни ишлаб чиқаришга жорий қилиб, даромад топиш (тижоратлаштириш) каби масалалар бирмунча четда қолаётган эди. Албатта, ушбу масалаларни тизимли ташкил этиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда янги тизим орқали олийгоҳлар ўзи янгилик яратадиган, уни бозорга олиб чиқадиган ва шу орқали ўзини ўзи молиялаштира оладиган яхлит инновацион марказга айланади. Таълим-тарбия тамойили талабани нафақат билимли, балки масъулиятли, ватанпарвар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишга хизмат қилса, илмий тадқиқотлар санаят, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва шу каби кўплаб соҳаларда янгилик яратади. Илмий ишланмаларнинг тижоратлаштирилиши тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топиши, битирувчилар бандлигини таъминлаш каби масалаларга муносиб ечим бўлади.

тингларидаги ўрин ҳамда молиявий иштирок даражаси асосий мезон сифатида белгиланади. ОТМлардаги тадқиқотлар янги билимлар, технологиялар ва инновацион ечимларни яратишга хизмат қилади. Бу эса иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширади. Талабаларнинг илмий салоҳияти юксалиши, келгусида кўплаб соҳалардаги муаммоларга инновацион ечим топишга кўмаклашувчи лойиҳалар юзга келишига туртки беради. Шунингдек, бу лойиҳа нафақат ОТМларни ривожлантиришни кўзда тутати, балки илм-фан ва интеллектуал салоҳият ривожига ҳам туртки беради. Катта илмий мактаблар юзга келишига замин яратади.

2027 йил 1 январдан бошлаб олий таълим ташкилотлари фаолиятини баҳолашнинг янги — миллий рейтинг тизими жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Рейтинг натижаларига кўра, олийгоҳларни молиявий рағбатлантириш механизми йўлга қўйилади. Бунда айнан қайси мезонларга таянилади деган ҳаққи савол туғилиши мумкин. ОТМларда ташкил этилган ўқув жараёни, илмий салоҳият, халқаро алоқалар самараси, битирувчиларнинг меҳнат бозоридagi ўрни каби кўрсаткичларга эътибор қаратилиши таъкидланмоқда. Таълим муассасасида билим бериш сифати қанчалик юқори бўлса, унга берилган баҳо ҳам шунга яраша бўлади. Қолаверса, университет



битирувчилари тез иш топиб кетса ва илм-фанда олдинда бўлса, ўша олийгоҳ давлат томонидан кўпроқ молиявий рағбатлантирилади. Шунга мос равишда молиялаштириш ҳам дифференциал тарзда амалга оширилади. — Илгари бир триллионга яқин пул илмий тадқиқот учун ажратилар эди, — дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари Сардор

Ражабов. — Таҳлилларга кўра, ушбу маблагнинг 42 фоизи иқтисодий, гуманитар соҳадаги тадқиқотларга берилган. Фармон билан 2027 йилдан бошлаб давлат илмий дастурлари доирасида илмий тадқиқот лойиҳаларини таллаб олиш ва молиялаштиришнинг янги тартиби жорий этилади. Унга кўра, молиялаштириш ҳажмининг 50 фоиздан кам бўлмаган қисми устувор йўналишлардаги илмий тадқиқот лойиҳаларига йўналтирилади. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, саноатни ривожлантириш, сунъий интеллект, металлургия, тиббиёт, энергетика соҳалари мамлакатимизда энг устувор йўналишлар саналади. Шу йўналишда аниқ натижа берадиган тадқиқотларга кўпроқ эътибор қаратилади.

Меъёрий ҳужжат билан давлат олийгоҳларида грант асосида тахсил олаётган талабалар учун бюджетдан ажратилаётган маблаг миқдорини аниқлашнинг янги механизмлари жорий қилиш кўзда тутилган.

Грант асосида ўқитган талабалар учун маблаг миқдорини аниқлашда профессор-ўқитувчилар юклагаси, таълим соҳаси мураккаблиги ва моддий-техник базаси, таълим соҳаси устуворлиги, илмий тадқиқотга йўналтирилганлиги, таълим ташкилотининг худудий мансублиги каби омиллар ҳисобга олинади, — дейди С.Ражабов. — Буни соддароқ қилиб тушунирадиган бўлсак, аввалла-

ри давлат гранти асосида ўқийдиган талабалар учун давлат томонидан ҳамма олийгоҳга деярли бир хил маблаг ажратилар эди. Масалан, техника, тиббиёт ёки ижтимоий йўналишдаги университетлар бир хил маблагга эга бўларди. Эндиликда бу тартиб ўзгаради. Агар университет лабораториялари замонавий, профессор-ўқитувчилар салоҳияти юқори ва олийгоҳ рейтингини баланд бўлса, ўша ОТМга грант асосида ўқийдиган бир талаба учун кўпроқ пул ажратилади. Яъни маблаг тўғридан тўғри сифатга қараб берилади. Бу олийгоҳларни ўзаро рақобат қилишга мажбур этади.

Шунингдек, олимларнинг лойиҳаларига давлатдан пул ажратиш бутунлай очик ва шаффоф бўлади. Бунда илмий лойиҳа уч бошқилик экспертизадан ўтказилади. Биринчиси, илмий-техник кенгаш, иккинчиси, сунъий интеллект ва албатта, халқаро экспертлар кенгаши орқали ўтади. Илгари илмий лойиҳаларга маблаг ажратишда инсон омилли юқори бўлган, энди эса бунга чек қўйилади. Сунъий интеллект лойиҳанинг ҳаққини янгиликни, кўчирилмаганлигини, энг муҳими, иқтисодиётга қанчалик фойда келтиришини ҳолис ва шаффоф баҳолаб беради. Бу маблагларнинг асосий қисми устувор соҳаларга йўналтирилишига имкон яратади.

Фармонда 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб таълим дастурини хорижий тилда якулан талабалар таълимнинг кейинги босқичи учун ҳужжат топширишда хорижий тилни билиш тўғрисидаги сертификатни тақдим этишдан оқдод этилиши белгиланган. Хўш, бакалавриятни хорижий тилда тамомлаганлардан магистратура ва докторантура учун тил сертификати сўрамаслик тартиби амалиётда қандай ишлайди?

Агар талаба бакалавр босқичини инглиз ёки бошқа хорижий тилда ўқиб тугатган бўлса, кейинги босқичда, яъни магистратура ва докторантурага қабул жараёнида ундан тил билиш сертификати талаб қилинмайди, — дейди С.Ражабов. — Мисол учун, илгари Тошкент халқаро Вестминстер университети, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти каби олийгоҳларни битирганлар ҳам магистратурага ҳужжат топшираётган пайтда улардан сертификат талаб қилинарди. Агар талаба тўрт йил давомида бакалаврда барча

дарсларини инглиз тилида ўқиган, имтиҳонларни шу тилда топширган бўлса-ю, магистратура босқичида тахсил олиши учун ундан яна тил билиш сертификати талаб этилса, бу у учун ортиқча қўғозбозлик, сарсонгарчиликни юзга келтириши табиий. Янги тартиб орқали ортиқча оворагарчиликка чек қўйилмоқда.

Хорижлик талабалар учун ажратиладиган грантлар қандай тақсимланади деган савол туғилиши табиий.

Мамлакатимиз олийгоҳларнинг глобал рейтингларда муносиб ўрин эгаллаши олий таълим тизими нуфузини ошириб, чет эл фуқароларининг Ўзбекистонга таълим олишга интилишига сабаб бўлмоқда. Жорий ўқув йилида хорижлик талабалар сони 23 мингга етгани Ўзбекистон олий таълим тизимининг мавқеи ва нуфузи йилдан йилга ошиб бораётганидан далolatдир.

Меъёрий ҳужжатда 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилотларига хорижий талабаларни қабул қилишнинг амалдаги тартибига қўшимча тариқасида "Study in Uzbekistan" ("Ўзбекистонда таълим ол") платформаси орқали қабул қилишни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Ҳар йили 500 нафаргача бўлган иқтидорли чет эл фуқаросига олий таълим ташкилотларида таълим олиш учун грант беришни назарда тутуви "Янги Ўзбекистон стипендияси" дастури амалга оширилиши белгиланган.

Бу бизга нима беради? Мутасаддилар фикрича, мамлакатимизга таълим туризми орқали катта миқдорда хорижий валюта кириб келишини таъминлайди. Чет эллик талабалар кўпайиши олийгоҳларимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини кескин кўтарди. Энг муҳими, университетларнинг очик рақобат майдонига чиқиб, жаҳон таълим бозорига ўз ўрнини топишни ўрганади. Қабул жараёнининг соддалаштирилиши хорижлик абитуриентларга қатор имкониятларни тақдим этмоқда. Мамлакатимизнинг таълим хизматлари хорижий талабаларга тақдим этиларкан, ўз-ўзидан ўқув дастурлари жаҳон андозаларига мос ишлаб чиқилади. Халқаро рақобат ОТМларда ўқитиш сифати яхшиланиши, мамлакатнинг халқаро таълим майдонига ўрни мустақамланишига хизмат қилади.

Рақамли таълим ва сунъий интеллектни ривожлантириш маркази ташкил этилиб, таълим тизимида ягона рақамли экотизим шакллантирилиши назарда тутилган инновация, самарадорлик, рақобатбардошлиқнинг ошишига замин яратиши билан аҳамиятли.

Фармон билан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига қатор қўшимча ваколатлар берилиб, олий таълим муассасаларининг мустақиллиги ва бошқарув самардорлиги оширилади. Жумладан, қабул жараёнини тасдиқлаш, ректор ва раҳбар кадрларни тайинлаш, академик жараёнларни тартибга солиш каби ваколатлар вазирлик зиммасига юклатилади. Бу ваколатлар олийгоҳларнинг масъулиятли ва мустақил бўлишига замин яратади.

Мақсадлиёс олий таълимни давлат бюджетига қараб ўтирадиган тизимдан мустақил фаолият юратадиган, ўзи маблаг топадиган, энг муҳими, меҳнат бозорига тўлиқ тайёр, рақобатбардош кадрлар етиштириб берадиган асосий кучга айланишидир, — дейди С. Ражабов. — Биз фақатгина диплом олган битирувчиларни эмас, балки янги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантирадиган мутахассисларни тайёрлашни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Фармон ижроси натижасида олий таълим тизими сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, илм-фан ва инновациялар иқтисодиётнинг асосий драйверига айланади.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Нуқтаи назар

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, Фарғона давлат университети ректори

ХАЛҚИМИЗ ЭЪТИҚОДИНИНГ МУҲТАШАМ РАМЗИ

Тарих чархи шундай айланади: гоҳида асрлар силсиласи бир нуқтада туташиб, миллатнинг мудроқ руҳини уйғотиб юборади. Тошкент марказида қад ростлаган, мовий гумбазлари қуёш нурида жилоланаётган Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази шунчаки меъморий иншоот эмас, балки халқимизнинг ўзлиги, илдизлари ва юксак эътиқодининг муҳташам рамзидир.



Ушбу маскан — боболардан қолган қадимий қўлэмаларнинг зерҳал саҳифаларидан таралаётган зиё билан келажак авлоднинг шиддатли интеллектуал салоҳияти учрашадиган табарруқ остана. Узоқ давом этган қишқи уйқудан сўнг майсалар қуёшга талпингани каби миллат тафаккури ҳам ушбу марказ тимсолида ўзининг Учинчи Ренессанс баҳорини қаршиламоқда. Бу ердаги ҳар бир нақшда Берунийнинг нигоҳи, ҳар бир равоқда Хоразмийнинг мантиғи ва ҳар бир гишда буюқ аждодларимизнинг "Илм — нажотда" деган ўлмас даъвати яширин.

Нурли манзилнинг барпо этилиши нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом олами учун маърифатнинг янги кутуб бўлиб хизмат қилади. Зеро, бу бинонинг пойдевори фақат гишт ва мрамардан эмас, балки Президентимизнинг қатъий иродаси, халқимизнинг асрий орзулари ва илмга чексиз эҳтироби билан йўрилган.

Президентимиз марказнинг очилиш маросимидан сўзлаб, "Не-не аждодларимизнинг орзу-ниятлари, армонлари рўёбга чиққан мана шундай унутилмас кун билан, чинакам илм-маърифат байрами билан ҳаммангизини чин қалбимдан табриқлайман. Мамлакатимизнинг уч минг йиллик шонли тарихи ва

бой маданиятининг, янги Ўзбекистон имкониятларининг ёрқин кўзгуси бўлган ушбу бетакрор ва буюқ мажмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!" деди.

Марказ асрлар давомида ўзлигини намоян этишга интилган, аммо турли босқинлар ва сиёсий тўсиқлар сабабли ўз маданий ҳазинасини тўлиқ кўрсата олмаган боболаримизнинг ҳақ-хуқуқи тикланганини кўрсатади. Давлатимиз раҳбари марказни тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат майдони деб атаб, унинг ёшлар тарбиясидаги мавқеини шундай таърифлади: "Бу маскан билан танишган ҳар бир одам, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ислом динининг гуманистик моҳиятини англаб етди, ўзининг қандай улуг мерос эгаси эканини ҳис этиб, қалби гурур ва ифтихорга тўлади".

Президентимиз ислом динининг гуманистик моҳияти деганда, унинг марказида инсон қадри ва илми туришини назарда тутмоқда. Марказ ёшларга динни қўрқув ёки мутаасиблик эмас, балки юксак маданият, санъат ва одоб-ахлоқ жаммаси сифатида кўрсатади. Бу ёшлар онгига радикал қарашларга қарши табиий иммунитет ҳосил қилади. Шу маънода, Ислom цивилизацияси маркази маънавий ге-

нофондни шакллантирувчи лабораториядир. Давлатимиз раҳбари ушбу масканни билим ва маърифат майдони деб атаб экан, уни шунчаки ўтмиш хотираси эмас, балки келажакни куриш учун маънавий қувват сифатида баҳоламоқда.


Тарихий асосларга назар ташласак, Ислom цивилизацияси маркази Ўзбекистон заминининг минг йиллик меросини замонавий нуқтаи назардан қайта гавдалантиради. Қадимий Сўғд, Хоразм ва Фарғона водийси цивилизациялари исломгача даврда ҳам илм-фан ва маданият маркази бўлиб. Ислom даврида эса Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фароғий каби буюқ алломалар дунёга илм нурини тарқатган. Марказнинг экспонатлари орасида Усмон Мусхафи, қадимий қўлэмалар ва хорижий мамлакатлардан олиб келинган ноёб артефактлар мавжуд. Бу нафақат ўтмишни сақлаш, балки Биринчи ва Иккинчи Ренессансдан Учинчи Ренессанс сари кўприк қуришидир. Президентимиз ташаббуси билан бошланган лойиҳа бутун халқаро миқёсда БМТ ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ривожланмоқда.

Ислom цивилизацияси маркази ёш олимлар етиштиришнинг янги платформаси ҳамдир. Шу босис, марказни талабалар учун амалий тадқиқот майдонига айлантириш, Фарғона давлат университетининг илмий марказлари билан ҳамкорликда янги лойиҳалар, масалан, Фарғона водийсининг исломгача ва ислом давридаги меросини рақамлаштириш, ёшлар учун махсус дарслиklar яратиш ва халқаро конференцияларни биргаликда ўтказиш каби режаларимиз бор. Бу марказни бутун мамлакатимиз университетлари учун очик илмий-маърифий майдонга айлантиришда қўл келайди.

Наврўз нафаси уфурган кунлар... Тошкент тонгида баҳорнинг илиқ ҳавоси, одамлар юзида эса байрамона шукуҳ сезилиб турарди. Шу кайфиятда саёҳатчи сифатида Тошкентдан Душанбега йўл олган автобусга чиқдим. Ўша пайтда бу сафар шунчаки йўл эмаслиги, балки тарих, дўстлик ва қайта тикланган муносабатлар изидан кечадиган маънавий саёҳатга айланишини ҳали тўлиқ ҳис қилмаган эдим.



Сафарнома



“ Фақат битта нарсани аниқ ҳис қилдим: бу сафар менга яна бир ҳақиқатни яққол аниқладим — ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари асрлар давомида шаклланган, турли синовлардан ўтган ва узилмас иплар билан боғланган.



дарак берарди. Йўлда тожикистонлик икки нафар ўзбек ҳожи билан танишдим. — Президентларимиз омон бўлсин, — дея сўз бошлади Рудакий туманида яшовчи Хўжамқул ҳожи Абдуллаев юзида шукроналик ва мамнуният ифодаси балқиб. — Чегаралар очилгач, Ўзбекистонга эмин-эркин бориб келямиз. Илгари бу орзу эди. Энди эса ҳаётимизнинг табиий қисмига айланди. Шахсан ўзим зиёрат, саёҳат ва даволашни мақсадида бир неча бор Ўзбекистонга бориб келдим. Ҳар сафар у ердан янада кўтаринки руҳда, қалбим тазаланган ҳолда қайтаман. Ҳозир ҳам синфдошим Исроил ҳожи Гулмуродов билан яқинда очилган Имом Бухорий зиёратгоҳига йўл олганмиз. Бу масканга борган инсоннинг қалби, албатта, нурга тўлади, руҳи енгил тортади. У ердаги ободонлаштириш ишларини кўриб, инсон беихтиёр фахр туйди. Бундай табаррук жойларни обод қилиш, шундай кўркем ва муносиб ҳолатга келтириш катта савоб, миллат маънавиятига қилинган улкан хизматдир.

ҚАЛБЛАРНИ БОҒЛАГАН УЗИЛМАС РИШТАЛАР

Автобус секин ҳаракатлана бошларкан, ортда қолиб бораётган манзаралар билан бирга ҳаёлимда ўтмиш саҳифалари варақлана бошлади. Бир пайтлар Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар совуқлашиб, чегаралар ёпилган, қариндош-уруғлар бир-бирини соғиниб, йиллаб учраша олмаган эди. Аммо тарих чархпалак каби айланди. Шавкат Мирзиёев мамлакат раҳбарлигига келгач, икки давлат ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. Виза тартибининг бекор қилиниши, чегараларнинг очилиши, халқлар ўртасидаги борди-келди муносабатлари қайта тикланиши — буларнинг барчаси нафақат сиёсий қарор, балки инсонлар қалбини яқинлаштирган улкан воқеа бўлди.

бу имкониятлар орзулигича қолиб кетар эди. Бугун эса манзара мутлақо бошқача. Икки давлат раҳбарларининг узоқни кўзлаган сиёсий иродаси, халқ манфаатини ҳамма нарсасдан устун қўйган қарорлари туфайли муносабатларимиз янги босқичга кўтарилди. Бир вақтлар музлаб қолгандек туюлган алоқалар яна илиқлик касб этди. Бир-бирининг дийдорига чанқоқ қалблар яна топишди, йўллар очилди, кўнгиллар яқинлашди. Қисқа муддатда муносабатларимиз зиддиятлардан стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасигача юксалди. Бу ўзгаришларнинг энг катта самарасини эса, шубҳасиз, икки юртда яшовчи дўст халқлар кўрмоқда.

қўйилган улкан қадам бўлди. Миллий маданият марказлари эса тилимиз, адабиётимиз, урф-одатларимизни асраб-авайлаш, янада ривожлантириш йўлида самарали фаолият юритмоқда. Энг муҳими, бу ишларнинг барчасини давлат қўллаб-қувватламоқда. Юртимизда миллатчилик, бир-бирини камситиш каби иллатларга ўрин йўқ. Бу заминда турли миллат ва эл вакиллари бир оила бўлиб яшайди. Бир дастурхон атрофида йиғилади. Бир-бирининг қувончига шерик, ташвишига ҳамдард бўлади. Шундай юртда яшаб, уни севмай бўладими?! Васфини куйламай, шеърларга солмай бўладими?! Ахир бу юрт — дўстликни қадрлайдиган, қалбларни

кунни бозор бўлар экан. Шаҳарнинг номи ҳам шундан келиб чиққан дейишди. Асрлар давомида у кичик қишлоқдан гўзал ва замонавий шаҳарга айланди. Бугунги Душанбе Тожикистоннинг нафақат сиёсий ва иқтисодий маркази, балки маданий юраги ҳамдир. Бу ердаги ҳар бир кўча, ҳар бир хиёбон ўтмиш излари билан замонавий тараққиёт нафасини бирлаштириб туради. Сафаримиз байрам кунларига тўғри келгани учунми, шаҳарда автомобиллар тирбандлигини деярли кўрмадим. Бу эса шаҳарнинг янада файзли, оромбахш кўринишини очиб берди. Айниқса, бир жиҳат эътиборини тортди: шаҳардаги барча эълонлар, реклама ва пешлавлар давлат тилида ёзилган. Бу давлат тилига хурматнинг ёрқин ифодаси эди.



Фарҳод НЕЪМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

мактабга бормаиди, лекин аллақачон Жомий ва Навоийнинг ижодидан шохбайтлар ёдлаб олган. Амакининг кўзларида фахр ва умид порларди. — Болаларимизни ҳозирданок дўстлик, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашимиз керак, — деди у босқич билан. — Чунки келажак шу болаларнинг қўлида. Дўстлик бўлса, ҳамма нарса бўлади. Унинг оддий, лекин чуқур маъноли сўзлари қалбимда узоқ вақт янграб турди. Ҳақиқатан, Жомий ва Навоий ҳайкаллари соясида айтилган бу гаплар икки халқ ўртасидаги абадий дўстликнинг энг самимий ва энг таъсирли ифодаси эди.

Бугун бу янгиланишлар барча соҳада самара бермоқда. Икки давлат ўртасидаги савдо айланиши қарийб бир миллиард долларга етди. Энг муҳими, одамлар яна бир-бирига йўл топди. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонга энг кўп келаётган хорижликлар орасида тожикистонликлар етакчилар қаторида. Ўз навбатида, ўзбекистонликлар ҳам энг кўп Тожикистонга сафар қилмоқда. Бу рақамлар куруқ ҳисоб-китоб эмас, балки қалблар яқинлигининг ифодаси.



Биз кетаётган автобусдаги муҳит ҳам худди кичик дўстлик маконини эслатарди. Йўловчилар орасида турли касб, турли тақдир эгалари бор. Шулар орасида мен учун қизиқарлиси “Овози тожик” газетаси муҳбири, икки мамлакат Ёзувчилар уюшмалари аъзоси, шоир Абдулло Субҳон билан



“ Қўшни давлат чегарасига етиб борганимизда юрагимда бир оз хавотир аралаш ҳаяжон уйғонди. Бироқ икки давлат чегарачиларининг очиқ чехраси, яхши муомаласи барча расмиятчиликларни енгиллаштирди. Ортиқча ҳеч қандай савол, ҳеч қандай сарсонгарчилик йўқ. Гўёки бу йўл азалдан очиқ бўлгандай. Барча жараён табиий ва осон кечди.

яқинлаштирадиган, инсонни инсон сифатида улуғлайдиган табаррук замин...

*** Шоирнинг сўзлари қулоғимда узоқ вақт жаранглаб турди.

Қўшни давлат чегарасига етиб борганимизда юрагимда бир оз хавотир аралаш ҳаяжон уйғонди. Бироқ икки давлат чегарачиларининг очиқ чехраси, яхши муомаласи барча расмиятчиликларни енгиллаштирди. Ортиқча ҳеч қандай савол, ҳеч қандай сарсонгарчилик йўқ. Гўёки бу йўл азалдан очиқ бўлгандай. Барча жараён табиий ва осон кечди.

Эрталаб соат тўққиз яримда манзилга кириб бордим. Душанбе мени қучоқ очиб кутиб олгандек туюлди. Бу шаҳарга қадам қўйган заҳотим ундаги илиқлик, самимиятни ҳис қилдим. Кенг кўчалар, сарвқомат дарахтлар, ранг-баранг гуллар — барчаси уйғунлашиб, шаҳар баҳорий либосда меҳмонларини байрамона кутиб олаётгандек эди. Ҳавоси мусаллаб, муҳити сокин, аммо шу сокинлик бағрида қизгин ҳаёт жўш уриб турарди.

Душанбе шунчаки пойтахт эмас, тарих ва замонавийлик уйғунлашган шаҳар. Айтишларича, олдин бу ер қишлоқ бўлиб, душанба

Шаҳар марказида жойлашган Абдураҳмон Жомий ва Мир Алишер Навоий ҳайкаллари олдида бир зум тўхтаб қолдим. Бу ерда икки халқнинг умумий тарихи, ўзаро уйғун адабиёти, қалблар яқинлигининг жонли тисмоли намоеён бўлиб турарди.

Суҳбатлашган одамларим Ўзбекистондан эканини эшитиб, самимий табассум билан қарши олди. — Яқин йилларда Ўзбекистонга бормаган бўлсам-да, телевидение, радио, интернет орқали у ердаги ўзгаришларни кузатиб бораман — дейди Шомурод амаки. — Сизларнинг ютуқларингиздан биз ҳам чин дилдан хурсанд бўламиз. Футболни жуда яхши кўраман. Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионатиغا йўлنامа олганини эшитиб, ҳам хурсанд бўлдим, ҳам ҳавас қилдим. Омад тилайман. Уйинлар бошланганда сизларга мухлислик қиламиз. Илгари “Помир” билан “Пахтакор” уйинлари жуда қизиқарли ўтарди. Душанбедаги стадионга Ўзбекистондан кўп мухлис келарди. Биз ҳам жамоамизни қўллаб-қувватлаш учун Тошкентга борардим.

Шукурки, узоқ танафусдан кейин борди-келдимиз тикланди. Насиб қилса, май ойида оловий Самарқанд, Бухоро, Хивага бориб, тарихий шаҳарларни зиёрат қилмоқчимиз. Менинг уйим шу бугунда. Ҳар кунни неварам билан кечки сайрга чиқамиз. Бир кунни у меҳдан “Булар кимларнинг ҳайкали?” деб сўради. Шунда эринмай, Жомий ва Навоий ҳақида, тожик ва ўзбек халқларининг дўстлиги ҳақида гапириб бердим. Неварам ҳали



Душанбеда бир кун тургач, йўлимиз Панжикент томон бурилди. Душанбе — Панжикент йўли эса гўё табиатнинг жонли асаридир. Бу сафар тоғлар оралаб, булуғларга яқинлашгандай бўлди. Ям-яшил тепаликлар, қорга бурканган баланд тоғлар, серсув сойлар, текис ва замонавий пулли йўллар, тоғлар бағридан ўтган ер ости йўллари сафарни янада енгил ва мароқли қилди. Йўл ёқасидаги обод қишлоқлар, кўркем савдо ва ижтимоий соҳа обектлари Тожикистоннинг сўнгги йиллардаги тараққиётини

лаҳзада қалбимда ифодалаб бўлмас бир туйғу уйғонди бу — соғинчм, фахрми ёки шукроналикми, билмадим. Фақат битта нарсани аниқ ҳис қилдим: бу сафар менга яна бир ҳақиқатни яққол аниқладим — ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари асрлар давомида шаклланган, турли синовлардан ўтган ва узилмас иплар билан боғланган. Бу дўстликни асраш ва янада мустаҳкамлаш эса икки миллат вакиллари келажак олдидаги энг муҳим бурчидир.

GAZETA DАGI МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
30821 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳас: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 23:10 Топширилди — 00:45